

## **ҲАРБИЙ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ РОЛИ, ЎРНИ, АҲАМИЯТИ**

**Махмудов Розмет Муратович,**

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги*

*Университети профессори,*

*педагогика фанлари доктори, профессор*

*[maxmudovrozmet1965@mail.ru](mailto:maxmudovrozmet1965@mail.ru).*

**Иброҳимов Анвар Ражабович,**

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги*

*Университети мустақил изланувчиси, тел: +99890-326-18-01*

**Анотация:** мақола ўзининг моҳиятига кўра ҳарбий хизматчиларнинг илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиши, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда мавзу танлаш, унинг обьекти, предмети, мақсади ва вазифаларини тўғри танлаш, илмий ишнинг салоҳиятини оширади дейилган. Ҳарбир ҳарбий хизматчи олий ҳарбий таълим муассасаларида фаолият олиб борар экан, албатта илмий иш билан шуғулланиши ва илмий даража ва унвонга эга бўлишини давлатимиз раҳбарининг талабларидан бири сифатида қаралган.

**Калит сўзлар:** ҳарбий, педагог, кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқот, малакасини ошириш, тил, дидактика, диссертация, мавзулар ва ҳарбий соҳалар.

Ҳарбий педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш жараён сифатида кўп йиллардан бери амалиётда қўлланиб келинмоқда. Ҳар бир даврда, вақтда, давлат сиёсатининг бир бўлаги сифатида ҳарбий педагог кадрларни тайёрлашнинг мазмуни йўналиши, моҳияти, роли ва ўрни ўзгариб такомиллашиб боради.

Янги Ўзбекистоннинг сиёсати ҳарбий педагог кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш, малакасини оширишга ҳам янгидан-янги талаблар қўймоқда. Ҳарбий педагогларни тайёрлаш, тарбиялаш орқали шахсий таркибни ўқитиш, ватанпарвар қилиб тарбиялаш, давлат сиёсатини тўғри тушунадиган ва энг аввало давлатнинг ғоясини қўллаб-қувватлайдиган ҳарбий хизматчиларни тарбиялашдир[1].

Ҳарбий педагог кадрларни тайёрлаш бу ўзига хос қийин ва узоқ давом этадиган жараён ҳисобланади. Ҳарбий кадрларнинг амалиётни билиш дегани ҳали педагог дегани эмас, чунки амалиёт бошқа, педагогик фаолият бошқа. Тўғри, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар бир касбий амалий фаолиятида педагогиканинг элементлари мавжуд. Лекин, бу педагогиканинг элементларни амалиётчилар билиб қолди дегани эмас.

Биз педагогика фанининг тарихидан биламизки, “педагог касби дунёда энг биринчи юзага келган касб ҳисобланади, ўша вақтларда номланиши педагог деб айтилмаган бўлиши мумкин, лекин субъект ҳисобланиши шахсларнинг ҳатти-харакати шахсларни тарбиялашига йўналтирилган бўлган”[2].

Ҳарбий педагогларнинг фаолияти тўғрисида фикр юритишдан аввал ҳарбий прдагогикани умумий педагогиканинг бир бўлаги, шахобчаси деб қараш керак бўлади, бунга исбот талаб қилинмайди. “Ҳарбий педагог ҳар қандай шароитда “дидактика”га суюниши лозим”[3]. “Дидактика”ни билмаган ёки билишни ҳохламаган ҳар қандай ҳарбий хизматчи педагогиканинг “генисизи”ни тушунмайди. Дунёда тил пайдо бўлибдики у яхшиликка ҳам ёмонликка ҳам хизмат қиласи, шуни алоҳида такидлашимиз лозимки тарбиялашда тил дафтар, ручка, китобдан ҳам олдин юзага келган. Ҳарбий педагогика такомиллашадиган фан сифатида юзага келмоқда.

Энг қизиқарлиси ҳарбий педагогика илмий тадқиқотларни ўрганиш сифатида юзага келмоқда. Бугунги кунда, масалан 21.01.06 – шифри бўйича илмий-ишлар қилмоқда “Ҳарбий таълим ва тарбия, жанговор тайёргарлик, кадларни танлаш ва жойлаштириш, қўшинларнинг кундалик фаоилятини бошқариш (жумладан Қуролли Кучлар турлари, Қуролли Кучлар фронт орти, қўшин турлари ва маҳсус қисмлар бўйича)” ундан ташқари 21.01.03 – шифрлари ҳарбий юристприденсия йўналишида ҳам ҳимоя ишлари йўлга қўйилди.

Ҳарбий олий таълим муассасаларида педагог сифатида фаолият олиб бораётган шахс, максимал даражада илм билан шуғилланиши талаб этилади. Президент Ш.М.Мирзиёев “Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақtingиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик – умринг энг бебаҳо даври. Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!” ушбу фикрлар илмни ривожланишига ва халқга хизмат қиласи[4]. Илм қилган шахснинг педагогнинг жамият учун фойдаси ниҳоятда кўп деб ўйлаймиз, чунки илм қилиш орқали аввало ўзи шаклланади, қўл остидагиларни тарбиялайди, энг асосийси ўзидан кейинги авлодга илмий мерос қолдиради, ўзини отасини исмини китоб ёзганда муаллиф сифатида тарихда қолади.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда ҳарбий педагог кадрларни тайёрлашга қўйилаётган талаблардан бири ҳар бир педагог илмий иш қилиши, илмий даражага ва илмий унвонга эга бўлишини давлартимиз раҳбари талаб этилоқда, шунинг учун ҳам илмий салоҳиятга эга бўлган педагоглар олий ҳарбий таълим муассасаларида Олий таълимдан кейинги таълим факултетлари ташкил этилди ва этилоқда. “Олий таълимдан кейинги таълим” факултетининг тугатган ҳар бир ҳарбий педагог, кадр илмий ишни ҳимоя қиласи ва педагогик фаолиятини

давом эттиришади. Ҳарбий педагогнинг илмий иш билан шуғилланишига асос бўлиб уларнинг фан тараққиётига қўйган ҳиссаси ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳарбий соҳада илмий ишлар олиб борилмоқда, лекин ҳарбий илмий ишларда тизимлилик йўқ, илмий ишлар мавзуларининг картотикаси тузилмаган, ҳеч бир профессорнинг илм соҳасида мактаби бўлмоғи лозим. Ушбу мактаб ҳамма профессорларда бор деб айта олмаймиз, лекин диссертатсия мавзуларининг картотикаси албатта бўлиши керак. Илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи ҳар бир докторант мавзулар картотикасидан ўзларига яқин бўлган диссертатсия мавзуларини танлаб олиб ишлари мумкин, агар мавзулар ўзларига тўғри келмаса бошқа ўзлари ҳохлаган диссертатсия мавзуларини танлаши мумкин.

Бугунги кунда диссертатсия мавзууси сифатида қўйдаги йўналишларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши лозим. Таҳминий мавзулар:

1. Ҳарбий педагогика тарихи.
2. Ҳарбий психология тарихи.
3. Ҳарбий олий таълим муассасалар тарихи.
4. Курсантларни хуқуқий тарбиялаш методикаси.
5. Артилерия тарихи ва унинг курсантларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги роли ва ўрни.
6. Ҳарбий хизматчиларни касбий онгини шакллантиришнинг методикасини такомиллаштириш.
7. Кўшинлар хизматини ташкил этишнинг назарий ва амалии жаҳатлари.
8. Ҳарбий десант қўшинларини юзага келиши тарихининг таҳлили ва х.к.

Ушбу диссертасия мавзуларини давом эттиришимиз мумкин. Диссертатсия тадқиқот ишларини мавзуларнинг алфавитли ва системали катологларга бўлиб тузиш тавсия этилади. Илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ва ҳимояга олиб чиқишида амалиётга тдбиқ этилганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш ҳам ўта қийин жараён ҳисобланади, ундан ташқари тажтиба-синов ишларни олиб боришда объект, предметларни танлаш учун имкониятлар чегараланган. Чунки тадқиқотлар ҳарбий соҳада асосан хизмат доирасида фойдаланиш учун ёки махфий, ўта махфий бўлиши табиий. Махфий ва ўта махфий мавзудаги диссертатсиялар асосан маълум шахсларни фойдаланишлари учун махфий кутубхоналарда сақланади, адади (тиражи) ҳам жуда кам ҳисобланади.

Диссертатсия тадқиқот ишларни катологларга киритиш ва бўлишда махфийлик даражасини ҳам ҳисобга олиш лозим, чунки махфий, ўта мхфий ва хизмат доирасида фойдаланиш учун мавзусидаги диссертатсиялар очиқ ҳолдаги диссертатсия мавзууси билан бир жойда сақланиши тавсия этилмайди. Ундан

кейин ҳимоя қилинган диссертацияларнинг натижаси бўйича ўқув қўлланмалар тайёрланиб чоп этилиб дарс жараёнида курсантлар фойдаланиши учун тақдимот ўтказишлари керак, айниқса очик мсавзудаги диссертациялар бўйича.

Диссертатсия ёзишда қийналаётган мустакил изланувчи, докторантлар учун диссертатсия ёзиш курси методикаси бўйича машғулотлар ўтилиши лозим. Шундагина диссертантлар диссертасия ёзиш методикасини моҳиятини тушуниб олишади. Диссертантларнинг диссертатсия ёзишдан ташқари, (педагогик стажи кетиши учун) курсантларга дарс беришни ташкил этиш лозим, маъруза эмас семинар, амалий машғулот дарсларини ўтказишга жалб этиш лозим. Маъруза ўқишига биз биламизки, Илмий кенгашнинг руҳсати керак бўлади.

Диссертасия ёзишда педагог ёки тадқиқотчилар қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим бўлади:

- а) Диссертасия мақсадига;
- б) Диссертасия вазифасига;
- с) Библиографияга;
- г) Объекти, предмети ва илмий янгилиги ҳам муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда баъзи бир тадқиқотлар диссертатсияда “типотеза” бўлишини кириш қисмида беришмоқда, Ўзбекистон Олий аттестасия комиссиясини қарорига асосан диссертатсияда “Гипотеза” бўлими йўқ ва гипотезанинг моҳияти очилиши шарт эмас деб айтилган.

Олий ҳарбий таълим муассасаларнинг профессор, доцентлари илмий ишларнинг бошида туришади ва Олий ҳарбий таълим муассасаларини олтин фонди ҳисобланишади. Ҳар бир олий таълим муассасаларининг илм аҳли олий ҳарбий таълим муассасаларининг салоҳиятини белгилайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: Ўзбекистон нашрёти, 2021. – 458 бет.
2. Эрмакбаева Х. Бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини дидактик ўйинлар орқали такомиллаштириш. Мудофаа вазирлиги ЧОТҚМБЮ халқаро конференциялари тўплами 2021 йил. – 353-355-бетлар.
3. Махкамов У., Тилабов З. Касбий маҳорат. Дарслик. Т.: Фан, 2008 йил. -б 72.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи. 26.12. 2020 йил. <https://uza.uz/posts/197662>.